O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 4 июнь, № 110 (5025) Жума


*2009 йил июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилоти-(ШҲТ)га раислик қилиб келмоқда. Кўпгина хорижий экспертлар "Ўзбекистон томонидан Ташкилотга раислик доирасида ШҲТ нуфузининг янада мустаҳкамланиши ва фаолиятининг ривожланиши йўлида муҳим қадамлар қўйилмоқда", дея баҳолашмоқда.*

## Халқаро экспертлар:
## Ўзбекистон ШҲТнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади

Хусусан, **Европа Халқаро муносабатлар институти вице-президенти Жак Липпер**нинг фикрига кўра, Ўзбекистон халқаро нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муҳим иштирокчиси саналади.

— Ўзбекистон томони Ташкилотнинг янада ривожланиши борасида аниқ ва прагматик ёндашувга амал қилмоқда. Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича, терроризм, айирмачилик ва экстремизм каби уч ёвуз иллатга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида эътиборга молик.

**Биз ва жаҳон**

Шу ўринда афғон зиддиятини тартибга солиш бўйича Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини тўла қўллаб-қувватлашимни билдирмоқчиман. Бу бутун ШҲТ минтақасида хавфсизлик ва барқарорлик борасида муҳим аҳамият касб этувчи муносабатдир. ШҲТнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳақида гап кетганда, Ташкилотнинг халқаро алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш борасидаги Ўзбекистоннинг ташаббуслари таҳсинга сазоворлигини таъкидлашни истардим. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар унинг нуфузи янада ошишига йўл очади. Яқинда Тошкентда имзоланган ШҲТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация алоҳида аҳамиятга эгадир. Умид қиламанки, Европа Иттифоқи билан ҳам Ташкилотнинг минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, хусусан, афғон муаммосини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилувчи шунга ўхшаш ҳужжат имзоланади.

**Бельгиянинг халқаро масалалар бўйича етакчи экспертларидан бири Хильберн Байз** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида, жумладан, шундай деди:

— Бизнинг экспертларимиз Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги даврида олиб борилаётган ишларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда ва мамлакатингизнинг ушбу тузилма билан халқаро ташкилотлар ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш борасидаги ташаббусини, шунингдек, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланишини қўллаб-қувватлайди.

ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммитида Ўзбекистоннинг ўз раислиги даврида Ташкилот самарадорлиги ва ролини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари, хусусан, энг муҳим йўналишлардан саналган хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, ШҲТнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ишлари, Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш ва транспорт коммуникациясини ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларнинг Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланганини муносиб баҳоланади, деб умид қиламан.

**Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти директори Виталий Наумкин** ШҲТнинг ривожланишида Тошкент муҳим роль ўйнаганини қайд этди.

— ШҲТ фаолиятида муҳим аҳамият касб этган барча янги қадамлар ва давлатларнинг барча йўналишларда бир-бирига яқинлашуви, шубҳасиз, ўз миллий кун тартибини ривожлантираётган ва уни кўп томонлама халқаро форматдаги илғор фаолият билан мустаҳкамлаб келаётган Тошкентнинг муҳим ўрин тутиши билан боғлиқдир. ШҲТнинг Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтажак саммити Ташкилотнинг янада ривожланиши ва нуфузли халқаро куч-қудратга эга бўлишида муҳим қадам бўлиши муқаррардир.

(Давоми 2-бетда).

# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ



*Аввал хабар берганимиздек, жорий йилнинг 1-3 июнь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида ташкил этилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасидаги машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш комплекси корхоналарининг саноат тармоқ ярмаркаси қизғин ва ишчан руҳда ўтди.*

**Жараён**

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастурига оид қарорига мувофиқ ўтказилаётган мазкур тадбирлар иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, шунингдек, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Улар юртимиздаги йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари тизимидаги корхоналар, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кенг намойиш этишга имкон яратиш баробарида, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

*Фарғона шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг минтақавий кўргазма-савдоси ташкил этилди. Кўргазмада Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидан фермер хўжаликлари ва кичик корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар иштирок этди.*

# КЎРГАЗМА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тобора ривожланаётгани мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида мазкур соҳаларнинг изчил ривожи учун кенг шарт-шароит яратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётир.

**«Uzbekistan Agrominitex EXPO – 2010»**



Пойтахтимиз ҳамда жойларда анъанавий тарзда ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси фермер ва тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тармоққа замонавий минитехнологияларни жорий этиш тадбиркорлик ва фермерликнинг истиқболли йўналишларидандир. Бу эса қишлоққа саноатни олиб кириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Ҳозир қишлоқ хўжалиги тармоғида ишлаб чиқариш ва қурилишни янада ривожлантириш, қишлоқда мева-сабзавотлар ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарни замонавий технологиялар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кўргазма-савдолар ўтказиб келинаётган 2006 йилдан буён Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида амалга оширилган лойиҳалар натижасида 17,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 6 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди, 1500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Кўргазма-савдода Германия, Австрия, Италия, Франция, Греция, Туркия каби 20 дан ортиқ давлатларнинг 50 дан зиёд хорижий компаниялари минитехнологиялар ва ихчам ускуналари билан иштирок этди.

Кўргазма ташкилотчиларининг таъкидлашича, ўтган йили минтақавий халқаро кўргазмада имзоланган кўплаб шартномалар тўлиқ амалга оширилди. Жорий йилда ҳам фермер ва тадбиркорларнинг хорижий компаниялар намойиш этаётган минитехнологияларга қизиқиши катта. Тижорат банклари томонидан уларга шу ернинг ўзида маслаҳатлар берилиб, молиявий манбалар расмийлаштирилмоқда.

Юздан ортиқ йўналишларни қамраб олган кўргазма стендларида қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мўлжалланган замонавий технологиялар намойиш этилди.

(Давоми 2-бетда).

## «Менинг севимли шаҳрим»

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

***Бугун мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлод вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Бундай юксак ғамхўрликлар ёшларимизнинг маънан етук ва жисмонан соғлом бўлиб камол топишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бошланган "Менинг севимли шаҳрим" болалар расмлари кўргазмаси ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг

(Давоми 2-бетда).

## Бир рақам шарҳи

**Аҳолига — сифатли ичимлик суви**

*Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда*

**319,1**

**километрлик сув қувурлари тармоғи ўтказилди.**

***Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга доир лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши туфайли соҳада шундай ижобий натижага эришилди.***

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**СИРДАРЁ. Ночор аҳволга тушиб қолган "Янгиерйўлиндустрия" корхонасида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 300 миллион сўмлик маблағи эвазига ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ қайта тикланди.**

### Корхона оёққа турди

Ҳозир корхона ойига 350 миллион сўмлик темир-бетон маҳсулотларини вилоятдаги қурилиш ташкилотларига етказиб бермоқда. Таъкидлаш лозимки, илгари шу турдаги қурилиш хом ашёлари Сирдарёга, асосан, бошқа вилоятлардан келтирилар эди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Йилига ўн минг тонна калава ип

**АНДИЖОН. Избоскан туманидаги Чувама қишлоғида хитойлик ишбилармонлар томонидан киритилган инвестиция ҳисобига "Nanyang Red Cotton Angel Textile" хорижий корхонаси ташкил этилди.**

Умумий лойиҳа қиймати 18 миллион АҚШ долларилик мазкур корхона иш бошлаши билан 300 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда бу ерга ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида ойига ўртача 800 тоннагача калава ип ишлаб чиқарилаяпти.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ЖИЗЗАХ. Ғаллаоролда "Дидосапайнт" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.**

### Ҳам арзон, ҳам сифатли

Айни пайтда бу ерда хориж технологияси ёрдамида 12 турдаги локбўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки ойда корхона жамоаси мижозларга 110 тонна қурилиш хом ашёси етказиб берди.

Эътироф этиш керакки, айни пайтда туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 11 корхона фаолият кўрсатмоқда.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Шовот полимер» маҳсулоти

**ХОРАЗМ. Шовот туманидаги Чиғатойқалъа қишлоғида пластмасса идишлар ва пластмасса қувурлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Шовот полимер" хусусий корхонаси иш бошлади.**

Шу ниятда тадбиркор Нурбек Жуманиёзов корхонага 60 миллион сўмлик замонавий дастгоҳлар ўрнатди. Натижада бу ерда йилига 30 минг донагача пластмасса идиш ҳамда турли ҳажмдаги пластик қувурларни тайёрлаш имконияти юзага келди.

Эътиборлиси, туманда шу йилнинг биринчи чорагида 7 миллиард 500 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқаро экспертлар:

# Ўзбекистон ШҲТнинг ривожланишида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти ходими Елена Кузьмина** ШҲТга раислиги даврида Ўзбекистон Ташкилотнинг келгуси тараққиёти йўлида ШҲТ тузилмасининг ҳуқуқий базасини шакллантириш ва транспорт йўлагини ривожлантириш каби кўплаб муҳим масалаларни илгари сурганига эътибор қаратди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон нафақат сиёсий йўналиш ва хавфсизлик соҳаларида, балки иқтисодий йўналишда, транспорт коммуникацияси масаласини ҳал этишда, инфратузилмавий лойиҳаларни амалга татбиқ қилишда Ташкилот самарадорлигини янада ошириш борасида жиддий мулоҳаза юритади.

**Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ институти ижрочи директори, профессор Тецужи Танака** Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги жуда фаол ва самарали кечаётганини таъкидлади. "Дунёдаги бугунги ҳолатни ҳисобга олганда, Ўзбекистоннинг ШҲТ билан нуфузли халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ўта долзарб масала саналади", деди япониялик олим.

**Япониянинг "Аояма Гакуин" университети профессори Шигеки Хакамада** Ўзбекистон ШҲТда раислик қилувчи давлат сифатида Ташкилот фаолиятининг ривожланиши йўлида бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганини қайд этди. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг раислиги даврида ШҲТ доирасида Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим аҳамият касб этувчи жуда кўплаб долзарб масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, олим Япония ШҲТнинг фаолият юритиб турганлиги туфайли минтақада барқарорликка эришилганини қўллаб-қувватлашини, бу эса Кунчиқар юрт ва бошқа хорижий давлатлар учун муҳим омил эканини таъкидлади.

**Деҳли университети профессори Холид Альви**нинг фикрича, Ўзбекистон ШҲТда раислиги давридаги ўз фаолиятининг асосий йўналишларини аниқ белгилаб олди. "ШҲТ ташкил топган вақтдан бошлаб Тошкент ушбу ташкилот доирасидаги ҳамкорликни фақат барқарорлик ва хавфсизлик масалалари билан чегаралаб қўймасдан, балки савдо-иқтисодий, янги транспорт йўлагини ташкил этиш каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори бўлган. Аминманки, ШҲТнинг Тошкент саммити Ташкилот фаолиятидаги муҳим воқеа бўлиб қолади ва Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади", деди олим.

**Ҳиндистоннинг оммавий "Political Events" ахборот-таҳлилий журнали сиёсий шарҳловчиси М. К. Дхар,** жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Ўзбекистон ўз раислигининг устувор йўналишларидан бири сифатида Ташкилотнинг фаолият доирасини кенгайтириш, унинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, унга янги аъзоларни қабул қилиш каби масалаларни белгилаб олдики, бу, шубҳасиз, жаҳон саҳнасида ШҲТнинг тутган ўрни ва аҳамиятининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг раислиги ШҲТнинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган охирги саммитида эълон қилинган, мақсадга эришишга йўналтирилган қатор муҳим тадбирлар билан бирга олиб борилди. Ўзбекистон бир қатор янги ташаббуслар билан чиқди ва уларни амалда татбиқ этди. Хусусан, ШҲТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида фаол иш олиб борилмоқда, кенг кўламга эга бўлган ШҲТ минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик давом эттирилмоқда.

**«Жаҳон» АА.**

# ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ИШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Чунончи, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини муҳофазалашнинг асослари янада такомиллаштирилмоқда. 2007 йилдан амалиётга татбиқ этиб келинаётган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни тадбиркор ва фуқаролар манфаатларини ҳимоялашнинг муҳим омили бўлмоқда.***

Ислоҳот

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларининг фаолияти ўзаро шартномалар тузиш орқали амалга оширилади. Шартномавий муносабатларда, албатта, турли фуқаролик, хўжалик низолари келиб чиқади. Ишбилармонлар учун низони тез ва ижобий ҳал этиш жуда муҳимдир. Бундай низоларни қонуний ҳал этишда ўзига хос янги усул билан ишловчи нодавлат судлар — ҳакамлик судларининг аҳамияти салмоқлидир.

Ҳакамлик судлари қадим замонлардан шаклланган бўлиб, улар нафақат одамлар, балки корхоналар, давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда фаол қатнашган. Бунда низолашаётган томонларнинг розилиги билан масалани амалдаги қонун ёки ахлоқ нормалари асосида ҳал этишга учинчи шахс ёки давлат жалб қилинган. Бугунги кунда ҳакамлик судларининг фаолияти аксарият давлатларда қонун билан аниқ белгилаб қўйилган. Хусусан, 1958 йилдаги "Чет эл арбитраж суди қарорини тан олиш ва уни ижро этиш ҳақида"ги Нью-Йорк конвенцияси қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳужжатга 140 дан зиёд давлат қўшилган.

Мамлакатимизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, юқорида номи зикр этилган конвенция 1995 йилда парламентимиз томонидан ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 15 февраль куни қабул қилинган ҳамда Сенатда 2006 йил 25 август куни маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонуни 2007 йил 1 январдан кучга киритилиши республикамизда ҳакамлик судлари фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратди. Айни пайтда ҳакамлик судлари ишини самарали ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш мақсадида "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Хўжалик-процессуал кодексларига ҳамда бошқа қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунни ҳаётга татбиқ этиш, ҳакамлик судларини ташкил этиш, уларни ривожлантириш ва фаолиятига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ташкил этилиб, 2009 йил май ойида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Бугунги кунда ассоциациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ваколатхоналари очилган бўлиб, улар изчил фаолият олиб боришаётир. Айни чоғда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида Ҳакамлик судлари фаолияти йўлга қўйилган. Улар "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган асосий вазифалар, яъни тадбиркорлик, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ўртасида шартнома шартларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқиб ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшаётирлар. Жумладан, ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳридаги ҳакамлик судлари томонидан 200 дан ортиқ иш кўриб чиқилиб, тегишли тартибда ҳал этилгани ҳам уларнинг мавқеи кун сайин ошиб бораётганидан далолатдир.

Ҳакамлик суди фуқаролик ёки хўжалик низоларини кўрувчи давлат судларидан қатор фарқли жиҳатларга эга. Дейлик, ҳакамлик суди даъво аризаларни тезкорлик билан кўриб чиқиши, ҳакамлик муҳокамасининг махфийлиги, низолашувчи тарафларнинг ўзаро келишувга йўналтирилиши, тарафлар ўртасидаги ҳамкорликни сақлаб қолиши, тарафларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортмаслиги, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб кучга кириши, яъни фақат битта инстанциядан иборат эканлиги билан аҳамиятлидир. Айни пайтда ҳакамлик суди томонидан қабул қилинган қарор хўжалик ва фуқаролик судлари томонидан қайта кўриб чиқилмайди ҳамда унинг ҳал қилув қарори қонун асосида мажбурий ижро билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимизда ҳакамлик судлари фаолияти шакллантирилмоқда. Энг муҳими, ҳакамлик судлари ҳам тадбиркорлар ва фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги низоларни адолатли ҳал этишда муҳим ўрин эгаллаб, нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда.

**Икромжон МАРДОНОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳакамлик суди раиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

мантиқий давомидир. "Фонд Форум" ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур тадбирда Ёшлар ижод саройи қошида ташкил этилган ёш рассомлар студияси ўқувчиларининг юздан зиёд ижодий ишлари намойиш этилаяпти.

# «Менинг севимли шаҳрим»

— Тўгарагимиз қобилиятли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган, — дейди "Колибри" ёшлар студияси раҳбари Ольга Яикова. — Кўргазмада болажонларнинг рангтасвир ва амалий санъат услубида яратган ишлари намойиш этилмоқда. Ёшларимиз ижоди тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотгандигидан хурсандмиз.

Болалар расмлари кўргазмасида ёш ижодкорлар она-Ватанимиз, пойтахтимиз, унинг сўлим боғ ва сайилгоҳларини болаликка хос беғубор нигоҳ ила тасвирлашган. Ушбу суратларга боқиб, беихтиёр мурғак қалбида юртга садоқат ва муҳаббат туйғулари куртак ёзаётган ёшларнинг эртанги ёруғ келажаги ҳақида ўй сурасиз ва кўнглингиз янада ёришганини ҳис этасиз...

Тадбир давомида кўргазмага ташриф буюрганлар, шунингдек, ёш ижрочиларнинг куй-қўшиқ ва рақсларидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Кўргазма якунида энг намунали деб топилган ижодий ишлар ҳайъат аъзолари томонидан тақдирланади.

Кўргазма 14 июнга қадар давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўргазма тараққиётга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Кўргазмада фермер ҳам, тадбиркор ҳам фаолиятини кенгайтириши учун хизмат қиладиган минитехнологиялар, қайта ишлаш ускуналари билан танишдик, — дейди Фарғона туманидаги "Шоҳимардон сарчашмаси" фермер хўжалиги бошлиғи Баҳодир Шарофиддинов. — Шу билан бирга, бу ерда кўплаб тадбиркор ва фермерлар билан танишиб, келгусида ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Кўргазма доирасида фермерлар, тадбиркорлар турли компаниялар билан ҳамкорликка доир шартномалар тузиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ихчам технологияларни харид қилдилар.

Кўргазма-савдонинг очилишида Фарғона вилояти ҳокими Ҳ. Неъматов иштирок этди.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ ФАОЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).




"Ўзэлектроаппарат-Электрошит" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси — Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий иштирокчиларидан бири. Бу корхонада, асосан, тоғ-металлургия, энергетика, самолётсозлик, транспорт, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ, кимё, қурилиш саноати ва бошқа соҳаларга мўлжалланган замонавий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Юқори вольтли кичик станциялар, ички ва ташқи тақсимлаш мажмуаси, карьерлар учун юқори вольтли электр қурилмалари, қувурларни ҳимоя қилувчи ускуналар, металл мебеллар ва бошқа кенг миқёсдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Корхона цехлари Финляндиянинг "Finn power", АҚШнинг "Hass", Италиянинг "Taiss" ва Швециянинг "Galvoir" сингари етакчи фирмаларидан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозлангани эса маҳсулотларнинг сифатли бўлишини таъминламоқда.

Бу ерда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Биргина ўтган йили янги турдаги кичик станциялар, автоматик тарзда ишловчи электр аппаратини ўчирувчи ва айирувчи мослама, қуёшдан қувват олувчи термосифон иситкич ҳамда энг охирги дизайндаги дазмол ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилгани бунга мисол бўла олади.

Умуман, корхонада ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 18 фоиз маблағ тежаб қолинди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 19,5 фоизни ташкил этиши кутилаяпти.

Сифатли маҳсулотга, табиийки, талабгорлар кўп. "Ўзэлектроаппарат-Электрошит" маҳсулотларининг сифати барча талабларга жавоб беради. Шу боис улар республикамиз ишлаб чиқарувчиларидан ташқари, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Озарбойжон, Болгария, Литва, Вьетнам, Мўғулистон сингари мамлакатлар ишбилармонларини ҳам қизиқтирмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига етарлича шарт-шароит яратиб берилаётгани, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муваффақиятлар омили бўлаяпти, — дейди корхонанинг тижорат бўйича директори Валижон Раҳимов. — Бунда, шунингдек, анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ўрни беқиёс. Ўтган йилги тадбирда умумий миқдори 41 миллиард сўмлик 44 та шартномани имзолаган бўлсак, жорий йилда ҳам кўплаб истиқболли шартномалар тузишга эришдик.

Ярмарка асносида ишлаб чиқарувчиларнинг тақдимот маросимлари ҳам ўтказилди. Айниқса, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида мамлакатимиз корхоналари томонидан қайта ишланган хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқарилган тайёр буюмларни сотиб олиш юртимиздаги барча истеъмолчилар учун қўшимча тендерларсиз, тўғридан-тўғри келишувлар орқали амалга оширилгани, мутахассислар томонидан маслаҳат хизматлари ташкил этилаётгани унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** ярмарка фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Дунё иқтисодиётини мураккаб аҳволга солиб қўйган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири, мана, бир ярим йилдан ошиқроқ вақт ўтибдики, ҳали-ҳануз аксарият мамлакатлар учун жиддий ташвиш бўлиб турибди. Тўғри, сўнгги пайтларда Интернет, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида етакчи компания ҳамда корпорацияларнинг секин-аста оёққа тура бошлагани, дастлабки ижобий натижаларга эришилгани ҳақидаги хабарларни ўқиб турибмиз. Ҳатто "инқироз бархам топди" қабилидаги чиқишлар ҳам учрамоқда. Лекин бундай аниқ хулосалар ясашга бир оз эрта, назаримизда. Чунки "кўҳна қитъа", океанорти ва бошқа яна бир қатор мамлакатларда ишсизлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳамон ечимини кутаётган энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.***

# ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

Шарҳ

Бундай дейишимизга сабаблар бор, албатта. Якунланган молиявий йилни сарҳисоб қилаётган, жорий йилнинг дастлабки чораги натижаларини тошу тарозига қўйиб кўраётган қатор давлатлар мисолида ушбу масала нечоғли жиддий эканини англаш қийин эмас. Масалан, Испания миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатда 2010 йилнинг дастлабки чораги якунига келиб, ишсизлик даражаси 20 фоизга етган. Ҳозир бу ерда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 4,6 миллион нафари ишсиз мақомини олган.

Иқтисодиётнинг изга тушишида барча соҳа ривожи бирдек аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб айтганда, масалан, жаҳон авиация тизимида кўзга кўринган компанияларнинг қийин шароитда фаолият юритаётгани ҳам давлатларга етарлича ташвиш бўлаётир. Хусусан, "Air France-KLM" (Франция/Голландия) авиакомпанияси ўтган молиявий йилда 1,550 миллиард евро, Германиянинг "Air Berlin" авиакомпанияси эса жорий йилнинг илк уч ойида 93,6 миллион евро миқдорида зиён кўрганини билдирди. Улар вазиятни ўнглашга интилаётган бир пайтда Исландияда Эйяфьятлайокудль деб номланган вулқоннинг ҳаракатга келиши ва самолёт парвозларини амалга оширишга халал бериши ҳам катта молиявий йўқотишларга сабаб бўлди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Табиийки, бу хил мураккаб шароитларда иқтисодий барқарорликка эришиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Бизга ғурур бағишлайдиган жиҳати шундаки, мамлакатимизда глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам иқтисодий юксалиш суръатлари изчил давом этди ва этмоқда. Дунёнинг таниқли сиёсатчи ҳамда экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилаётганидек, бундай ижобий натижалар Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалдаги самарасидир.

Ўзбекистон эришаётган ижобий натижалар яқинда пойтахтимиз мезбонлик қилган иккита йирик халқаро анжуманда ҳам қайд этиб ўтилди. Жумладан, шу йилнинг апрелида «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» халқаро илмий-амалий конференцияда юртимизда амалга оширилаётган 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурига юксак баҳо берилди. Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодиёт соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

1-4 май кунлари эса Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси ташкил этилди. Бундай анжуманни ўтказиш учун Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон пойтахти танлангани ҳам бежизга эмас. Бу иштирокчиларга мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқлар билан яқиндан танишиш, уларни халқаро миқёсда ўрганиш имкониятини ҳам яратди. Муҳими, Ўзбекистон мазкур нуфузли тадбирни юксак савияда ташкил этди. Буни Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курొданинг яқинда давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубидан ҳам билиш мумкин: "...Ушбу анжуманнинг муваффақияти ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарор нечоғли тўғри бўлганини ёрқин намойиш этди. Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларининг, айниқса, амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар самарадорлигининг, босқичма-босқич ислоҳотлар ва оқилона фискал сиёсатга асосланган ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар мустаҳкамлигининг, шунингдек, истиқболдаги тараққиёт учун мавжуд улкан салоҳиятнинг яққол ифодасидир".

— Бундай эътироф барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Баҳодир Ғойибназаров. — Мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар қанчалик самара бераётганини жорий йилнинг биринчи чораги якунлари ҳам яққол кўрсатди. Масалан, ушбу даврда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари 7,6 фоизни ташкил этди. Дунёда мураккаб молиявий-иқтисодий вазият ҳукм сураётган, ишсизлик катта ташвиш бўлиб турган бир пайтда бизда йилнинг дастлабки уч ойида 215, 4 мингта янги иш ўрни яратилгани таҳсинга лойиқ. Эътиборлиси, шунинг 69,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил қилинган. Булар ҳамюртларимиз фаровонлиги, эртанги кунини ўйлаб қилинаётган ғамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

Дарҳақиқат, ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсон манфаатларини таъминлашдир. Яхши биласиз, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки ушбу бўғин фаолиятининг тўғри ва самарали йўлга қўйилиши иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашдек ўта муҳим вазифаларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Маълумотларга кўра, шу йилнинг биринчи чорагида рўйхатга олинган кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда) 1,3 фоизга кўпайди ва 227,2 мингтани ташкил қилди. Ушбу даврда унинг ЯИМдаги улуши 38 фоизга ортди, саноатда 14,1 фоиздан 15,8 фоизга, аҳоли бандлиги бўйича 73,1 фоиздан 74,3 фоизга етди.

Маҳсулотларни экспорт қилишни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга олиб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши жорий йил биринчи чорагида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини 2009 йилнинг шу давридагига қараганда 22,1 фоизга ошириш имконини берди. Бунда тадбиркорлик субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Биргина мисол. Намангандаги "Тўрақўрғон Ширинлик Агро" масъулияти чекланган жамияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланади. Мавжуд шароитлардан оқилона фойдалана олгани туфайли корхона қисқа фурсат ичида дунё бозорига чиқди. Сифатли қуритилган мева, сабзавот ва ёнғоқ маҳсулотларига чет элда талаб ниҳоятда юқори. Буни экспорт ҳажмининг ўсишидан ҳам билиш мумкин. Айтайлик, 2008 йилда мазкур жамият хорижга 94,4 минг АҚШ долларилик маҳсулот сотган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 7 миллион 540 минг АҚШ долларини ташкил этди...

Юртимизга ҳар йили дунёнинг турли ерларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Улар нафақат тарихий шаҳарларимизни томоша қилиш, балки Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётини яқиндан кўриш иштиёқи билан ҳам келадилар. Болгариялик Клара Димитрова ўз таассуротларини шундай изҳор этди:

— Мамлакатдаги турмуш тарзи қандай эканини оддий фуқароларнинг чеҳрасидаги ифодадан ҳам билиш мумкин. Кўчакўйда юрган одамларга разм солсангиз, ҳаммаси хуш кайфиятда эканига гувоҳ бўласиз. Дам олиш кунлари истироҳат боғлари, хиёбонлар янада гавжумлашади, болаларнинг кулгусига тўлади. Юрти тинч, оиласи хотиржам, рўзғори бут кишиларгина мана шундай кўтаринки кайфиятда бўладилар. Бундай мамлакатга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди...

Хулоса қилиб айтганда, бугун мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос йўли, айни пайтда ўтган давр мобайнида шаклланган бой тажриба молиявий таназзулни оқилона енгиб ўтишга хизмат қилаётир. Энг муҳими, Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори ўринбосари Наоюки Шинохаранинг мамлакатимиз ҳукуматига йўллаган мактубида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг оқилона иқтисодий сиёсати натижасида тўпланган салмоқли ресурслар республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK

***Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни янада мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодий саҳнасидаги нуфузи ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Юртимизда самарали банк тизими шаклланганига, иқтисодий муносабатлар учун қулай шароит яратилгани халқаро молия институтларининг эътиборини қозонмоқда. Хусусан, ўтган ойда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси пойтахтимизда ўтказилгани мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлди.***

***Республикамиз иқтисодиётининг устувор тармоқларига хизмат кўрсатувчи энг етакчи банк сифатида, бу воқеа "Ўзсаноатқурилишбанк" учун ҳам муҳим аҳамият касб этди. Шу боис мазкур молия муассасаси Бошқарув раиси биринчи ўринбосари Жаҳонгир ОБИДЖОНОВ билан суҳбатимизда, аввало, ана шу йирик анжуман ҳақида сўз борди.***

# «Ўзсаноатқурилишбанк»: ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

— Мазкур нуфузли тадбирнинг Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмас, албатта, — дейди Ж. Обиджонов. — Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тадрижий равишда ривожланиб бормоқда. Президентимиз томонидан ҳар томонлама пухта ўйланган иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, банк-молия тизимида етарли ва ишончли ресурс базаси яратилгани, энг муҳими, иқтисодиётнинг мувозанатлилиги таъминлангани бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шу маънода, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг юртимизга ташрифи Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг яна бир эътирофи бўлди, дейиш мумкин.

Буни жорий йилнинг апрель ойида Тошкентда ташкил этилган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этган дунёнинг 46 мамлакатидан келган 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодиёт илм-фани соҳасидаги етакчи олимлар, бизнесменлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислом тараққиёт банки каби йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари ҳам таъкидлашди. Албатта, бундай эътирофлар юртимизда яшаётган ҳар бир фуқарога, айниқса, биз каби банк соҳасида хизмат қилаётган кишиларга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган 2009 йилнинг жаҳон иқтисодиёти учун қанчалик оғир келганини, глобал молиявий-иқтисодий инқироз деярли ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмаганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш таъминланди. Бу жуда катта ютуқ.

**— Шу ўринда, мамлакатимиз банк-молия тизимининг бевосита иштирокчиси сифатида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бу жараёнлардаги ўрни қандай бўлди, деган ҳақли савол туғилиши табиий...**

— Албатта, Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида банкимиз олдига алоҳида вазифалар қўйдилар. Бу вазифалар "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолиятининг моҳиятини ташкил этади. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш йўналишлари шулар жумласидандир.

Ўтган йил бошида банк томонидан сотиб олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бу ишларни амалга оширишда банк таркибий тузилмасида махсус "Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш Департаменти"нинг вужудга келгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, янги ишлаб чиқариш корхоналари активларини сифатли бошқариш мақсадида "ПСБ Индустриал Инвестментс" бошқарув компанияси тузилди.

Хусусан, 2009 йилда банк балансига қабул қилинган жами 6 та банкрот корхонанинг 558 миллион сўмлик навбатдан ташқари харажатлари ва иш ҳақи бўйича қарздорликлари банк ҳисобидан тўлаб берилди.

Бугунги кунда 5 та банкрот корхонада ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, биттасида эса жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан ишлаб чиқариш фаолияти бошланади. Мазкур корхоналарда 450 дан ортиқ янги иш ўрни очилди. Яна 3 та корхонада эса ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш учун амалга оширилиши зарур бўлган чоралар рўйхатини тузиш, инвестициялар миқдорини аниқлаш, бизнес-режа ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёни якунланиш арафасида.

Жумладан, Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича республика комиссиясининг қарорига асосан, бундан бир муддат олдин Хоразм вилоятида самарасиз фаолият кўрсатаётган "Ҳазорасп гилами" масъулияти чекланган жамиятининг мол-мулклари банк балансига қабул қилинган эди. Банк томонидан корхона қайта ихтисослаштирилди. Пировардида ушбу банкрот корхона негизида "Ҳазорасп Беккери" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Мамлакатимиз раҳбариятининг таклифини инобатга олган ҳолда, корхонада қурилиш учун йилига 233 минг дона рангли шифер, 345 минг квадрат метр металл черепицаси ва профнастил маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 48 та иш ўрни яратилди.

Бугунга қадар корхонага жами 10,56 миллиард сўмлик инвестиция сарфланди. Шу жумладан, айланма маблағлар учун 5,39 млрд. сўм, ишлаб чиқаришни модернизациялашга эса 5,17 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Муҳими, ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

"Ўзсаноатқурилишбанк" бу каби амалий ва истиқболли ишларни давом эттириб, Андижон вилоятидаги иккита банкрот корхона — "Балиқчитекс" қўшма корхонаси ҳамда "Балиқчитекстиль" ОАЖни 5,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан сотиб олди. Ҳозирда ушбу корхоналар негизида янги "ПСБ-Антекс групп" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Йилига 4300 тонна калава ип ишлаб чиқариши мўлжалланаётган мазкур корхонада келгусида 450 нафар киши доимий иш билан таъминланади.

Ўтган вақт мобайнида корхонага 5,5 миллиард сўмлик инвестиция киритилиб, молиявий соғломлаштиришга эришилди. Янги ускуналар олиб келинди. Мавжудлари қайта таъмирланди. Асосий хом ашё — пахта толасини сотиб олиш учун банк томонидан 2 миллион АҚШ доллари миқдорида кафолатлар берилди. Натижада корхона томонидан қарийб 1,5 миллиард сўмлик калава ип ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми Россия ва Хитойга экспорт қилинди.

Ҳозирда ушбу корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди. Қолаверса, 280 нафар малакали кадр ишга қабул қилинди. Эндиликда қўшимча ускуналар сотиб олиш, ишлаб чиқаришнинг учинчи линиясини ўрнатиш, коммуникациявий тизимни таъмирлаш, қисқа қилиб айтганда, корхонани тўла қувват билан ишга тушириш бўйича галдаги вазифалар амалга оширилмоқда.

Яна бир қувончли жиҳати шундаки, "Туямўйинғишт" шўъба корхонаси негизида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод, "Туямўйинсувқурилиш" ОАЖ ва унинг "3-сон КМЖ" шўъба корхонаси негизида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи корхоналар ташкил қилинди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз иқтисодиётининг янада изчил ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**— Кузатишимизча, "Ўзсаноатқурилишбанк" бугунги кунда хўжалик субъектларини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга қаратилган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Хўш, бу қандай самаралар бераяпти?**

— Биласизми, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, у орқали иқтисодиётни юксалтириш, авваламбор, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий масалаларга ечим топишда асосий омил бўлмоқда. Шу билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш имконини бермоқда. Бу ўринда биргина Қашқадарё вилоятидаги Деҳқонобод калий ўғитларини ишлаб чиқариш заводини қуриш лойиҳасини олайлик. Биринчидан, банк томонидан уни молиялаштириш орқали минтақада йилига 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона завод иш бошлайди. Иккинчидан, минглаб қўшимча иш ўринлари яратилади. Қолаверса, ушбу улкан завод мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ғоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, юртимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Аслида, бу банкимизнинг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш борасида амалга ошираётган кенг кўламли ишларининг кичик бир кўриниши, холос. Бундан ташқари, "Ўзсаноатқурилишбанк" ёқилғи-энергетика, нефть-газ, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, қурилиш индустриясига тегишли истиқболли лойиҳаларни амалга оширадиган ташкилотлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда ҳам етакчи ва пешқадам банклардан бири ҳисобланади.

2010 йил 1 апрель ҳолатига кўра, "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан инвестициявий мақсадларга йўналтирилган кредитлар қиймати 950,06 миллиард сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич йил бошидагига нисбатан 109,5 фоизга ошди. 2007 — 2011 йилларда кимё, нефть ва газ саноатини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларига асосан, "Фарғонаазот" ОАЖда аммиак ишлаб чиқариш қурилмаларини капитал таъмирлаш, "Максам — Чирчиқ" ОАЖда аммиак агрегатини модернизациялаш, Памуқ ва Денгизкўл газ конларида сиқув-компрессор станцияларини қуришдек муҳим аҳамиятга молик инвестициявий лойиҳалар устида иш олиб боришга йўналтирилган.

Эътиборлиси, "Ўзсаноатқурилишбанк" капитал қурилиш иштирокчиларига молиялашни расмийлаштириш, тўловларни ўтказишдан тортиб, қурилишнинг техник ишларини амалга ошириш ҳамда молиялаштирилаётган қурилишга муҳандислик хизмати кўрсатишгача бўлган барча хизматларни бажариб келмоқда.

**— Юртимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилиш бўйича халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари хусусида нималар дея оласиз?**

— Хабарингиз бор, кенг кўламли Инвестиция дастурини амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари ҳажмини кенгайтириш, шулар ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш каби вазифалар ҳукуматимизнинг Инқирозга қарши чоралар дастурида алоҳида белгиланган. Шу боис иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, мақсадли ва фойдали лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича фаол инвестициявий сиёсат юритиш банкимизнинг доимий эътиборида туради.

Бунда, айниқса, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг муассаса капиталини ошириш йўлида жалб этган маблағларини иқтисодиётнинг реал секторини имтиёзли кредитлашга йўналтираётганлиги ғоят аҳамиятлидир. Бундай амалий ишларнинг исботи сифатида банкнинг капиталлашув даражасини оширишга давлат томонидан ажратилган мақсадли маблағлар ҳисобига "Ўзкимёсаноат" ва "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияларининг инвестициявий лойиҳалари жами 53,3 миллиард сўм миқдорида молиялаштирилди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари миқдори 1,282 триллион сўмга етиб, шундан хорижий валютадаги кредитларнинг ҳажми 378,59 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бунда инвестициявий мақсадларга ажратилган кредитларнинг ҳажми 916 миллиард сўмга ёки 71 фоизга етди.

Нефть ва газ, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, қурилиш, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларнинг лойиҳалари қўллаб-қувватланиши натижасида мамлакатимизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларида қарийб 4500 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Кредит маблағларининг янги манбалари — кредит линияларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, муассасамиз Ислом Тараққиёт банки, Германиянинг "Коммерцбанк" ва "КфВ" Тараққиёт банки билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, уларнинг кредит маблағларини муваффақиятли ўзлаштириб келмоқда. Шунингдек, кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун ўтган 2009 йилнинг ўзида Жаҳон банкининг 2 млн. АҚШ доллари, Хусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислом Корпорациясининг жами 12 млн. АҚШ доллари миқдоридаги лимити доирасида тегишли Битимлар имзоланди. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки, Хитой Эксимбанки ва Хитой тараққиёт банкининг кредит линияларини жалб қилиш бўйича дастлабки тасдиқлар олинди.

**— Жаҳонгир Обиджонович, банкнинг кредит сиёсатида қайси йўналишларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда?**

— Эркин демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз аҳолиси, асосан, ўрта синф вакилларидан ташкил топганлиги боис, аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка молиявий таянч бўлиш банкнинг диққат марказида туради.

Шу мақсадда, банк томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар ҳамда микрокредитлар ажратиш ишларини янада фаоллаштириш ҳамда кредит ресурсларини ажратишни кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар комплекс Дастури" ишлаб чиқилди. Унга биноан, 2009 йилга нисбатан кредитлар 1,4 баравар, микрокредитлар эса 1,3 баравар кўп ҳажмда ажратилиши режалаштирилган.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадларига жами 40 миллиард 849 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиб, белгиланган режа 107 фоизга бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай кредитларни йўналтиришда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий ва географик жойлашувига аҳамият қаратилмоқда. Масалан, уларнинг ёшлар ўртасида бандлик ўсишини таъминлаши, қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш сифатини ошириш имкониятлари каби омиллар ҳисобга олинмоқда.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишда кўмакдош бўлиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилаётир. 2009 йил давомида ёш оилаларга жами 18 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилганди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса шу мақсадларга жами 6 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,8 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, чакана савдони ривожлантириш, маҳаллий озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, касаначилик ва ҳунармандчиликни рағбатлантириш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш каби масалалар ҳам доимий эътиборимизда.

**— Ривожланган давлатлар тажрибасида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу эса тижорат банклари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади, шундай эмасми?**

—"Ўзсаноатқурилишбанк" бу хайрли ташаббусга биринчилардан бўлиб қўшилган ва пластик карточкаларни муомалага чиқаришни, мана, ўн йилдирки, амалга ошириб келаётган нуфузли молия муассасасидир.

Ўтган йили буни халқаро баҳолаш ташкилотлари ҳам эътироф этди. "VISA International Service Association"га аъзо банклар орасида ўтказилган танловда "Ўзсаноатқурилишбанк" юртимиздаги Ҳисоб маркази сифатида танланди. Яъни эндиликда VISA пластик карточкалари воситасида кечадиган барча клиринг операциялари "Ўзсаноатқурилишбанк" орқали амалга ошириладиган бўлди.

Чунки ўтган 2009 йил мобайнида банкнинг VISA пластик карточкалари орқали қарийб 9 миллионга яқин транзакция ўтказилгани ва тўловлар миқдори 2008 йилдагига нисбатан 77 фоизга ошиб, 233,4 миллиард сўмни ташкил этгани "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг бу соҳадаги салоҳиятини кўрсатиб турибди. 2010 йилнинг биринчи чорагида эса пластик карточкалар орқали ўтган айланмалар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 61,3 фоизга кўпайган. Айни даврда савдо шохобчалари орқали ўтган тўловлар эса 50,7 фоизга ошган. Қолаверса, банк томонидан муомалага чиқарилган жами пластик карточкалар сони 830 минг донадан ортиқ.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам пластик карточкаларнинг қулай ва фойдали эканлигини чуқур англаб етмоқда. Негаки, бу тизим эмитент банклардан ташқари савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари каби бевосита фуқароларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади. Зеро, пластик карточкадаги маблағ хавфсиз бўлиши билан бирга, унга ойига муайян миқдорда фоиз ҳам қўшилиб боради.

Мана, яқинда Президентимизнинг "Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида, банк нафақат пластик карточкаларни муомалага чиқариш, балки улардан фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш ва имкониятларини кенгайтириш йўлида ҳам изланмоқда. Жумладан, банк томонидан қўшимча 1000 дона терминал сотиб олинди ва улар зарур нуқталарга ўрнатилди. Шундай қилиб, банк томонидан ўрнатилган терминаллар сони 4 минг донадан ошиб кетди.



Яқинда VISA International компанияси етакчи вакиллари юртимизга ташриф буюриб, "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти билан яқиндан танишди ва Uz NNSS деб номланган мамлакатлараро ҳисоб тизимини жорий этди. Бу тизим орқали Ўзбекистон банклари мамлакат миқёсидаги ҳисоб-китобларини миллий валютадаги VISA карточкалари орқали амалга оширишлари мумкин бўлади.

Унинг жорий этилиши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимига ўтаётган Ўзбекистон учун муҳим босқич саналади. Негаки, банклараро ҳисоб-китобларнинг сўмда амалга оширилиши орқали банклардаги ҳисоб рақамлар сони кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ошиши билан бирга, миллий валютанинг ликвидлигини мустаҳкамлайди.

"Ўзсаноатқурилишбанк" ва халқаро VISA компанияси ҳамкорлигининг яна бир намунаси сифатида мамлакатимиз аҳолиси учун ажойиб промо-акция ташкил этилди. Бу акция шу йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар республикамиздаги савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида юқори савияда ташкил қилинди. Унда 50 минг нафарга яқин "Ўзсаноатқурилишбанк" VISA пластик карточкалари эгалари иштирок этди. Якунда кўплаб қимматбаҳо ютуқлар қатори бош мукофот — футбол бўйича 2010 йилги Жаҳон чемпионати йўлланмаси ҳам ўз эгасини топди. Энг муҳими, ушбу тадбир натижасида юртимизда пластик карточкалар эгалари янада кўпайди ва улардан фойдаланиш қамрови кенгайди.

**— Демак, Акциядорлар умумий йиғилиши олдидан "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини тўла амалга ошира олди, дейиш мумкинми?**

— Бугунги кунда молия бозорида барқарор ва ишончли фаолият юритиш учун мижозларга ҳар доимгидан-да сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, уларнинг муаммолари билан яшаш, дастлабки мурожаатидаёқ барча зарур шароитларни муҳайё қилиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиш тақозо этилмоқда.

Шу боис банкимиз Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланган вазифаларни ижро эта бориб, ўзининг таркибий-ташкилий тузилмасини такомиллаштирди, инвестициявий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштирди ҳамда иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда халқимизга замонавий банк хизматларини таклиф этиш орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бунда унинг 43 та филиали, 100 га яқин минибанки, 190 та жамғарма, 130 дан ошиқ махсус касса ва бошқа юзлаб шохобчалари турли соҳаларда фаолият юритаётган 1 миллионга яқин юридик ва жисмоний шахслардан иборат мижозларга кенг доирада хизмат кўрсатаётгани шундан далолат беради. Қолаверса, "Мижоз — ҳамиша ҳақ!" тамойили банк жамоасининг доимий шиорига айланган.

***• Дунёнинг икки энг нуфузли — "Fitch Ratings" ҳамда "Standart & Poor's" халқаро рейтинг агентликлари "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 2009 йилдаги фаолиятини муносиб баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этди.***

***• Мазкур молия муассасаси мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатувчи 43 та филиал, 100 га яқин минибанк, 190 та жамғарма, 130 дан ортиқ махсус касса ва бошқа юзлаб шохобчалари орқали 1 миллиондан зиёд мижозга кенг доирада хизмат кўрсатмоқда.***

***• "Ўзсаноатқурилишбанк" инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Шу йил 1 апрель ҳолатига кўра, банк томонидан ушбу мақсадга қаратилган лойиҳалар учун йўналтирилган кредитлар қиймати 950,06 миллиард сўмни ташкил қилди.***

***• Ўз кредит портфелида 71 фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган мазкур молия муассасаси зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. "Ўзсаноатқурилишбанк" ёрдамида қатор банкрот корхоналар нафақат ишлаб чиқаришни тиклади, балки ўз маҳсулотларини экспорт ҳам қила бошладилар.***



*Умуман айтганда, "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан бугунги кунда 60 дан ортиқ анъанавий ва замонавий банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Йирик инвестициявий лойиҳаларда фаол иштирок этишдан тортиб, қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётлар, халқаро пул кўчиришни жорий этиш дейсизми ёки янги ва жозибадор омонат турларини тарғиб қилишми, барча хизмат турлари бўйича ўз етакчилигини мустаҳкамламоқда. Бундан ташқари, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, ёш оилаларни тураржойлар билан таъминлаш, истеъмол ва таълим кредитлари ажратиш, тадбиркорлигу касаначиликни ривожлантиришда ҳам банкнинг ўз ҳиссаси бор.*

*Келгусида "Ўзсаноатқурилишбанк" ўз ресурс базасини шакллантириб, капиталлашув даражасини янада ошириш, тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва инвестициявий фаолиятини бундан-да ривожлантириш ниятида. Шу билан бирга, истиқболли лойиҳалар, ғоялар устида тинимсиз изланиб, мижозлар учун мақбул ва қулай бўлган хизмат турларини кенгайтириб бораверади.*

**Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.** t

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



***Мамлакатимизда ўз иқтидор ва маҳорати билан турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётган ёшлар талайгина. Эътиборлиси, бундай йигит-қизларнинг ғайрат-шижоати, интилиш ва изланишлари бошқа ёшлар учун ҳам ибрат бўлмоқда.***

# 16 ЁШДА — 10 КАРРА ЧЕМПИОН

Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги Тинчлик қишлоғида яшовчи Сарвиноз Қурбонбоева ҳам ана шундай иқтидорли ёшлардан бири. У эндигина ўн олти ёшга тўлаётган бўлса-да, шахмат бўйича ўн карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлишга эришди.

"Ақл гимнастикаси" дея эътироф этиладиган шахмат кишидан юксак заковат, салоҳият ва матонат талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Сарвинозда ана шу хислатларнинг барчаси мужассам. Шу боис ёш бўлишига қарамай, эътибору эъзозга сазовор. Жумладан, у яқинда Президентимиз қарорига мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди.

— Аввало, Юртбошимизга раҳмат, — дейди С. Қурбонбоева. — Биз, ёшларнинг униб-ўсишимиз учун давлатимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу мукофот мени янада юксак марраларни забт этишга ундайди. Келгусидаги мақсадларим улкан: гроссмейстерлик талабини бажариб, катталар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатида ғолиб чиқиш асосий ниятларимдан биридир.

Сарвиноз шахмат бўйича дастлабки сабоқни отаси, қишлоқдаги 9-мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Каримберди Жумуқовдан олган. 2003 йили тўққиз ёшида илк бор Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган.

— Қишлоғимизда бир ярим минг нафар аҳоли яшайди, — дейди Каримберди Жумуқов. — Уларнинг кўпчилиги шахматга ишқибоз. Айниқса, Сарвиноз кетма-кет ўн марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритгач, шахматга қизиқувчилар сони сезиларли даражада кўпайди.

Ҳа, интилиш — муваффақиятлар омили. Сарвиноз ҳам юксак мақсадлари сари дадил интилмоқда. Ҳали олдинда машаққатли, юксак довонлар кўп. Ҳамма гап ана шу довонларни сабот, қунт, сабр билан ошиб ўтишда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.**

***Уни спорт сеҳри ва санъатга бўлган меҳр рамзи, дейишади. Дилтортар мусиқа оғушидаги бетакрор парвозлар. Энг муҳими — баркамолликка етакловчи йўл... Дунёда аллақачон ўз номи ва мақомини топиб улгурган спорт тури — бадиий гимнастика ҳақидаги бу каби таърифларни яна узоқ давом эттириш мумкин.***

# НАФИС СПОРТНИНГ ЭРТАНГИ УМИДЛАРИ

**Бадиий гимнастика**

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак даражадаги эътибор туфайли шаҳару қишлоқларимизда бири-биридан кўркам мажмуалар, иншоотлар қад ростламоқда. Уларда бошқа спорт турлари қатори бадиий гимнастика тўгаракларининг ташкил этилаётгани қизларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир. Айтайлик, жорий йилда бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳрида зўр муваффақият билан ташкил этилган Осиё чемпионати, мамлакат биринчилиги унинг иштирокчиларига олам-олам завқ улашиш баробарида, қанча-дан-қанча мурғак қалбларда ушбу спорт турига нисбатан меҳр уйғотган бўлса, ажаб эмас.

Пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бадиий гимнастика бўйича яна иккита — "Қувноқ карвон" республика очиқ чемпионати ҳамда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан "Олимпия умидлари" турнири бўлиб ўтди.

"Қувноқ карвон" мусобақасида 1994 — 2004 йилларда туғилган 119 нафар спортчи-қиз иштирок этди. Таъкидлаб ўтиш керакки, улар билан бир қаторда, россиялик гимнастикачи қизлар ҳам ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Қизиқарли тарзда кечган турнир якунига кўра, ҳамюртларимиздан Азиза Мамажонова, Лана Бухенко, Соня Сотибоева, Амаля Исҳоқова, Софья Қосимова, Сабина Тошкенбоева, Нилуфар Шомуродова, Валерия Давидова муваффақиятга эришган бўлса, меҳмонлардан Анна Макарьева, Евгения Ляндусова ва Геля Кирсановага омад кулиб боқди.

"Олимпия умидлари" турнири эса нафосат байрамининг мантиқий давомига айланди. Унда республикамизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган 80 нафар 1997 — 1999 йилларда таваллуд топган қизлар қатнашди. Орзулари улкан кичкина маликаларнинг бири-биридан чиройли, беғубор рақслари мухлису мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Фарангиз Аҳмедова, Дарья Волкова, Севара Абдуазизова, Севара Қобулова, Мавлуда Ҳасанова, Сурайё Жавлонова, Шаҳризода Омонова, Мадина Норалиева, Фотима Журъатова сингари гимнастикачи қизлар бу борада дугоналарига ўрнак бўлдилар. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, турнирда Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоалари билан бир қаторда, Қашқадарё, Наманган, Андижон, Жиззах вилоятларидан келган бадиий гимнастикачилар яхши натижалар кўрсатдилар.

Эътиборлиси, ушбу мусобақаларда ҳам янгидан-янги номлар кашф этилди, истеъдодлар рўёбга чиқди. Бу спортимизнинг эртанги куни янада ёруғ эканидан далолатдир.

**Саиджон МАХСУМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**2009 йилда давлат дастури доирасида Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилган умумтаълим мактабларига мактаб мебеллари харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

**Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:**

- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган;
- белгиланган муддат ичида тендеролди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаган;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ой бўлмаган;
- Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётган.

**Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи органи томонидан ўтказиладиган саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида папкада қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари (ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;
- давлат рўйхатига олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;
- талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;
- талабгорнинг ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Саралаш босқичи ўтказилиши тендер комиссияси томонидан белгиланади ва кўпи билан бир ҳафта муддат ичида амалга оширилади.

Тендер савдоси тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилгандан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, 100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Телефонлар: (8-371) 239-19-58, 239-13-35, 239-18-24.**

**Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагидаги талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим:**

Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари: ҳ/р: 20203000100101044002, АТ «Ипотека-банк»нинг «Меҳнат» бўлими, Тошкент шаҳри, МФО: 00423, СТИР: 201122808, ОКОНХ: 97300.

**Тендер савдоларида харид қилинадиган мебель ва жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари.**

| Т/р | Жиҳозларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Энг юқори (максимал) нархи |
|---|---|---|---|
| 1. | Бир табақали синф доскаси (доска классная одностворчатая) | дона | 74 100,0 |
| 2. | Журнал учун стол | дона | 40 375,0 |
| 3. | Китоб жавони | дона | 107 100,0 |
| 4. | Китоблар тарқатиш учун кафедра столи | дона | 167 200,0 |
| 5. | Китоблар учун бир томонлама жавон (стеллаж для книг односторонний) | дона | 180 500,0 |
| 6. | Китоблар учун икки томонлама жавон (стеллаж для книг двусторонний) | дона | 110 200,0 |
| 7. | Кодоскопучун стол | дона | 68 200,0 |
| 8. | Мўрили шкаф | дона | 398 844,3 |
| 9. | Плакатлар учун осма экспозицион доска (доска экспозиционная навесная для плакатов) | дона | 35 520,0 |
| 10. | Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган кимё столи (1 та стол, 2 та стул) | тўплам | 178 617,3 |
| 11. | Пластик қопламали, кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган тажриба столи | дона | 329 833,0 |
| 12. | Пластик қопламали, кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган ўқувчилар столи (1 та стол ва 2 та стул) | тўплам | 178 259,2 |
| 13. | Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган физика столи (1 та стол, 2 та стул) | тўплам | 178 546,3 |
| 14. | Уч табақали синф доскаси (доска классная трехстворчатая) | дона | 126 000,0 |
| 15. | Ўқитувчи столи (приставки) | дона | 56 810,2 |
| 16. | Ўқитувчилар учун икки тумбали стол (стол двухтумбовый для учителя) | дона | 106 800,0 |
| 17. | Ўқитувчилар учун яримюмшоқ стул | дона | 32 983,3 |
| 18. | Ўқувчилар партаси № 5 (1 та стол, 2 та стул) | тўплам | 98 000,0 |
| 19. | Ўқувчилар партаси № 6 (1 та стол, 2 та стул) | тўплам | 98 000,0 |
| 20. | Физика лаборатория столи | дона | 106 519,1 |
| 21. | Физика, кимё ва биология лаборатория хоналари учун кўргазмали қуроллар шкафи | дона | 189 781,0 |

***Изоҳ:*** * жиҳозларни 2010 йил 1 сентябрга қадар умумтаълим мактабларига етказиш, йиғиш ва ўрнатиб бериш лозим.

Тендер таклифларига 2 фоиз миқдорида бўнак пули бириктирилган бўлиши шарт. Бўнак пули Халқ таълими вазирлигининг юқорида кўрсатилган ҳисоб рақамига ҳар бир лот бўйича алоҳида ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган бўнак пули билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2010 йил 2 июль соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим этилиши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

533R/674

## ОБ-ҲАВО
(4 июнь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 13-18, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 12-17, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Тунда 10-15, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 12-14, кундузи 24-26 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


## *Ҳурматли истеъмолчилар!*



**Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда, нархлар асоссиз оширилса ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.**



| ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАР | ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8 (361) 222-30-11 |
| Андижон | 8 (374) 222-17-01 |
| Бухоро | 8 (365) 223-70-48 |
| Жиззах | 8 (372) 226-10-01 |
| Қашқадарё | 8 (375) 226-24-01 |
| Сурхондарё | 8 (376) 223-63-25 |
| Наманган | 8 (369) 233-29-56 |
| Навоий | 8 (436) 226-11-74 |
| Хоразм | 8 (362) 226-30-93 |
| Фарғона | 8 (373) 224-08-25 |
| Сирдарё | 8 (367) 225-07-30 |
| Самарқанд | 8 (366) 235-88-44 |
| Тошкент вилояти | 8 (371) 241-67-98 |
| Тошкент шаҳри | 8 (371) 233-09-39. |

515R/645

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА**

***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.***



**Танлов иштирокчилари танлов шартлари ва ҳужжатлар тўплами бўйича қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олишлари мумкин:**

**Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-«А» уй. Телефонлар: (8-371) 244-97-14, 244-97-66, 244-97-44. Факс: (8-371) 244-22-96. Ички телефонлар: 714, 766, 744.**

***Танлов таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.***

519R/655





Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Ер усти транспорти тизимлари ва сервиси кафедрасининг профессори Азмиддин Садриддиновга укаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими

**Масловиддин САДРИДДИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзэкспомарказ" МКК ОАЖ жамоаси марказ ходими Лаълихон Аҳроровага фарзанди

**Салоҳиддин ҲУСАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва касбий таълим кафедраси доценти

**Аҳмад АРСЛОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5